



Криптовалюталар дунё микёсида тобора оммалашиб бормоқда. Криптовалютадан келиши мумкин бўлган даромадлар мусулмон сармоядорларни ўзига жалб қилаётган бўлса, токенлар* ишлаб чиқариш орқали маблағ йиғиб олиш имконияти мусулмон тадбиркорларнинг ушбу соҳага кизикишлари ортишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, «Криптовалюта ва токенлар савдоси шариат талабларига мувофиқми?» деган савол тез-тез ва давомли равишда сўраладиган саволлардан бирига айланиб улгурди. Ушбу мақолада криптовалюта ва токенларнинг моҳиятини шариат нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқотимиз давомида криптовалюта ва токенларнинг бир канча турлари мавжуд эканлиги маълум бўлди. Токен савдоси ва блокчейн асосидаги лойиҳалар турли усуллар асосида амалга ошириладиган бир шароитда, барча криптовалюталар учун ягона коида тақлиф қилиш тўғри бўлмаса керак. Чиқарилаётган токенлар ўз кўриниши ва вазифаларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бугунги кунда токенларнинг турли хили мавжуд бўлиб, шулардан асосий учтасини номини келтириб ўтамыз:

«Сармоя» (Security) токенлари — кайсидир маънода кимматбаҳо коғозларга ўхшайди;
«Хизмат» (Utility) токенлари — амалга ошириладиган лойиҳа доирасида тақдим қилинадиган хизматлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этади;
«Ҳақиқий» криптовалюта (real cryptocurrencies) ёки «тўлов» токенлари (Payment tokens) — ушбу турдаги токенлар ўз блокчейн (муайян қоғоз асосида узлуксиз кетма кетликка эга маълумотлар бўғимларидан тuzилган занжир) тизимига эга бўлиб, улар кўпинча тўлов воситаси сифатида қўрилади.

Назарий жиҳатдан, токен эгаси корхонада улушга эга бўлиши, бирор хизмат ёки ускунадан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, корхона мулки (актив)га ёки пул оқимларига даъвогарлик қилиши мумкин.

Токенлар сармойани кўпайтиришнинг янгича/замонавий/инновацион усули бўлиб, агар улар тўғри тизимлаштирилса уларни шарият талабларига мослаштириш мумкин.

Криптовалюта ўзи нима?

Regulatory Oversight for Cryptocurrency? | Corporate Compliance Insights

Криптовалюта – бу виртуал, яъни жисмонан эмас, балки рақамли тарзда мавжуд бўлган валютанинг бир қўриниши бўлиб, бунда криптография (маълумотлар махфийлиги ва яхлитлигини таъминловчи тизим) орқали криптовалюта сарфламокчи бўлган шахсни, у ушбу ишни амалга ошириш ҳуқуқи бор ёки йўқлиги текшириб олинади.

Ўз моҳиятига кўра, криптовалюталар муайян кетма-кетликда интернет орқали амалга ошириладиган битимлар тизими бўлиб, бунда ўзаро боғлиқ бўлмаган икки томон ўртасидаги ўтказмалар осон ва хавфсиз равишда амалга оширилиши таъминланади (яъни қийматларнинг бир томондан иккинчи томонга хавфсиз равишда ўтиши қафолатланади).

Криптовалюталар билан амалга ошириладиган амалиётлар марказлашган тизим орқали назорат қилинмагани учун (ушбу тизим марказлашмаган компьютерлар тармоғи орқали фаолият олиб боради) мазкур технология анъанавий молиявий воситачиларга бўлган талаб/эҳтиёжнинг йўқолишига сабаб бўлмоқда ва шу билан бирга сотувчи ва харидорларга криптовалютадан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри тўлов амалга ошириш имконини берувчи янги тизимни тақдир қилмоқда. Анъанавий пуллар каби, криптовалюталар ҳам биржаларда олди-сотди қилиниши, электрон ҳамёнлар орқали бошқарилиши ва тўлов тизимлари орқали сарфланиши мумкин. Бирок бошқа турдаги электрон тўловлардан фарқли равишда, криптовалютада амалга оширилган ўтказмалар

мажбурий тарзда бекор қилина олмайди.
Криптовалюталар амалда қандай ишлайди?

Криптовалюта иштирокидаги ўтказмалар, одатда банк ёки марказий бошқарув идорасига мурожаат қилмаган ҳолда (яъни марказлашмаган peer-to-peer тизими орқали) амалга оширилади. Хар бир ўтказма барча фойдаланувчилар учун очик бўлган оммавий рўйхат (ёки блокчейн)да қайд қилинади. Тўлов қилишни хоҳлаган фойдаланувчи интернет ёрдамида тўлов қўлланмаси ишлаб чиқади ва тармокка кўяди. Шундан кейин криптография технологияси ёрдамида ушбу ўтказма яроқли эканлиги аниқланади (яъни тўловчида шу валюта борлиги). Бу тизим анъанавий банк депозитларидан ўзгача ишлайди. Анъанавий банклар хар бир ўтказмани рақамли ёзувини ўзида сақлайди ва бу қайдларнинг хақиқийлиги ва сақланишини қафолатлайди ва бунга банк масъул ҳисобланади.

Одатда, криптовалюталар тармоғи ўз фойдаланувчиларига ўзаро ўтказмаларни амалга ошириш имконини берадиган ва “жуфт калит” (key pair) сифатида маълум бўлган криптографик тизимдан фойдаланади. “Жуфт калит” криптографияси хар бир фойдаланувчига икки қисм (бўлак)дан иборат криптографик калит тақдим этади. “Жуфт калит”нинг бир бўлағи фақатгина ўз фойдаланувчиси/эгасига маълум бўлади (“шахсий/ёпик калит” қаби), иккинчи – “умумий/очик” калит эса каттарок жамоа билан алоқа ўрнатиш мақсадида ишлатилади.

“Жуфт калит” криптографияси хабарларни шифрлаш/ кодлаш ёки уларнинг хақиқийлиги/тўғрилигини аниқлаш/тасдиқлаш учун ёки бир вақтнинг ўзида шу икки вазифани бажариш учун қўлланилади. Криптовалюталарда “жуфт калит” криптографияси кодлашдан кўра кўпроқ тўлов қўлланмаси (кўрсатмаси) тўғрилигини тасдиқлаш учун ишлатилади. Тўловчилар ўзларининг шахсий калитларидан фойдаланган ҳолда, тўловларни амалга ошириш учун рақамли “имзо” қўйишади, тўловни қабул қилувчи томон эса “очик” калит ёрдамида тўлов қўлланмасининг хақиқийлигини (ишончлилигини) тасдиқлайди.

Содда қилиб айтганда, тўлов амалга оширилгандан кейин тегишли микдордаги маблаг тўловчининг ҳаётидан олиб, тўловни қабул қилувчининг ҳаётига ўтказилиши бўйича сўров (талаб) тармокка юборилади. Ушбу сўров тармокка жойланади ва криптовалюта ишлаб чиқувчи – “miner”лар ўтказма/битимларни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга қиритиш ва шунга мувофиқ равишда блокчейнни янгилаш / қайта юклаш учун мусобақалашади.

Блокчейн қайта юклангач, ўтказма тасдиқланади ва ортга қайтмайди (яъни жараён узил-кесил амалга ошган) деб ҳисобланади. Мазкур жараён криптовалюта турига қараб, ўртача 10 сониядан 10 дақиқача вақт олиши мумкин.
Криптовалюталарнинг шариат нуқтаи назаридан таҳлили

Bitcoin, Litecoin, Ripple қаби криптовалюта тангалар бўлиб, улар фақат рақамли қийматнинг ўзгаришини кўрсатадиган блокчейнлар бўйича битимларда қайд этилади. Бу тангалар рақамли (онлайн) валюта вазифасини бажаради ва фақат “peer-to-peer” тўлов тизими сифатида ишлатилади (яъни уларнинг бошқа вазифалари бўлмайди).

Валюта тангаларининг икки турм мавжуд: бири савдогарлар томонидан кабул килинадиган тангалар ва савдогарлар ва тармоқдан ташкаридаги компаниялар томонидан кабул килинмайдиган тангалар.

Бугунги кунда биткоин бир катор мамлакатларда, веб-сайтларда ва дўконларда тўлов воситаси сифатида кабул килинмоқда. Microsoft, Subway, Reddit, Virgin Galactic, Expedia ва бошқа кўплаб дўконлар ва трансмиллий компаниялар Биткоинда тўловларни кабул килишни бошладилар.

Litecoin ва Ripple каби тангалари эса хозирча трансмиллий компаниялар томонидан тўлов воситаси сифатида кабул килинмаяпти. Лекин шу билан бирга, бу тангалар ўз тармоқларида айирбошлаш ва ҳисоб-китоб воситаси сифатида ишлатилмоқда.

Шариат нуктаи назаридан, ҳар икки турдаги валюта тангалари тўлов тизими сифатида фойдаланиш мақсадида чиқарилган ва тўлов тизими сифатида тан олингани сабабли, улар ҳам валюта ҳисобланади. Ушбу тангалардан фойдаланувчилар орасида Таъамул (умумий/одатий фойдаланиш) ва Истилох (ижтимоий келишув/розилик) га кўра ушбу тангалар валюта ва муомала воситасидир.

Асосий фарқ шундаки, Биткоин Litecoin ва Ripple-дан фарқли ўларок, кенгрок микёсда кабул килина бошлади, натижада Биткоин «ал-Урф ал-ъаам» (кенг тарқалган урф-одат) коидаси асосида валютага айланган бўлса, ўз тармоқларидагина тўлов воситаси бўлган валюта тангалари ал-Урф ал-Хос (хос урф) коидасига кўра валюта ҳисобланмоқда. Ал-Урф ал-Хос (хос урф) фақат бир тоифа одамлар доирасига хос бўлган амалиёт ёки тушунчаларни англатади. Ушбу ўзига хослик манзил (жойлашув), касб, бирор бир жамиятга аъзолик ёки бир гуруҳ одамлар ўртасидаги келишув натижаси бўлиши мумкин. Шайх Мустафо аз-Зарка бундай «Урф» нинг турлари сон-саноксиз бўлиши мумкинлигини таъкидлайди, чунки одамлар эҳтиёжлари ва уларнинг манфаатлари (Масалих) макон ва замонга қараб ўзгариб/қўпайиб бораверади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тез орада блокчейн асосида бирор бир алоҳида урфнинг тури шаклланиши мумкин.

Буюк Британиялик олим, муфтий Фараз Адам 2017 йилнинг август ойида Биткоинга бағишланган катта ва мазмунли мақола ёзган эди. Олим ушбу мақоласида Биткоин ҳақиқатда ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мол (бойлик маъносида) хусусияти мавжуд, аммо валюта хусусияти мавжудлиги бирмунча баҳсли масала дейди. Шунингдек, Биткоин шариатнинг мақсадларидан бўлган мол-мулкни асраш ва умумий иқтисодий ривожланишга хизмат қилмаслигини таъкидлайди. Кейинрок, муфтий Фараз Адам биткоин шахсий бойликни қўпайтириш учун хизмат қилувчи сармоя воситаси ва бу шариат нуктаи назаридан қонуний ҳисобланиши мумкин деган фикрни илгари сурган. Шу билан бирга, олим турли соҳа мутахассислари ушбу масала юзасидан ўз фикрларини билдиришларини ва ўзининг Биткоин борасидаги фикрларини фатво эмас, балки тадқиқот сифатида кабул қилишларини сўраган.

Албатта бундай чуқур фикр-мулоҳаза, илмий далилларга асосланган муносабат таҳсинга сазовордир.

Фараз Адам бошка мутахассислар билан ҳамкорликда ушбу йўналишдаги тадқиқотларини давом эттиради ва 2018 йилда фикхий жихатдан Биткоин юзасидан олимларда уч хил караш мавжуд дейди:

Биткоин мол (бойлик) ҳам эмас, пул бирлиги ҳам эмас;
Биткоин мол (бойлик), аммо пул бирлиги эмас;
Биткоин ҳам мол (бойлик), ҳам пул бирлиги.

Биринчи карашга кўра Биткоиндан бирор усулда фойдаланиш шариятга зиддир. Муфтий Фараз фикрига кўра бундай караш хақиқатдан йирок. Биткоин мавжудлиги, унинг рақамли маълумотлардан иборатлиги, унга эгаллик қилиш, айирбошлаш мумкинлиги ушбу карашни воқеликка зид эканлигидан далолат беради.

Иккинчи гуруҳ олимлари фикрига кўра биткоин мавжуд ва у крипто-актив (мол-мулк) ҳисобланади, аммо пул вазифасини бажариши мумкин эмас. Бошка сўз билан айтганда унга эгаллик қилиш ва бойлик сифатида сақлаш мумкин, аммо алмашув воситаси сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Ушбу олимлар фикрига кўра биткоин Таъамул (кенг/умумий фойдаланиш) ва Истилох (ижтимоий қелишув/розилик) жихатларига эга эмас. Айтиш мумкинки, бу ўтиш даврига тегишли ва бу икки хусусият ҳам вақт ўтган сари ривожланиб бориши мумкин. Фараз Адам ушбу гуруҳ олимларига жавобан, бу фикрни тўғри деб бўлмайди, чунки агар охири-оқибат Биткоинларни валютага айлантириш имкони бўлмаса одамлар улар билан савдо қилмаган бўларди, дейди.

Учинчи гуруҳ олимларининг фикрига кўра Биткоин бошиданок тўлов воситаси сифатида яратилган ва бугунги кунда Истилох (ижтимоий қелишув/розилик) даражасига етган.

Маълумки, бирор нарса бойлик (мол) саналиши учун унга эгаллик қилишга хоҳиш/талаб бўлиши ва уни сақлаш мумкин бўлиши лозим. Биз ҳозир кўриб турибмизки, Биткоин каби марказлашмаган криптовалюталар пул тизимига талаб бор, шунингдек уларни рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш тизими ҳам мавжудлиги юқорида баён қилинди. Шу сабабли биткоин каби криптовалюталар “тақаввум” (ҳуқуқий қиймат) хусусиятига эга.

Бизнингча, Муфтий Фараз Адамнинг биткоин борасидаги қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: “Қиймат ҳақидаги тушунчаларни ҳам қайта кўриб чиқиш вақти келди. Замоноавий технологиялар бизнинг ҳаёт тарзимизни ўзгартириб юбормоқда. Масалан бугунги кунда банклар қийматларни акс эттириш учун оддий рақамларлардан фойдаланадилар ва ушбу рақамлар давлатлар томонидан қафолатланади. Қурилган тизим шундайки, жамият ҳам ушбу рақамларда акс этган қийматларга ишонч билдиради ва шу рақамлар одамлар томонидан қабул қилинади. Агар мавжуд тизимга ишончли, ҳавфсиз, оддий-соғда муқобил тизим яратилган экан, нима учун бундай тизим акс эттирган рақамлар қийматга эга бўлмаслиги керак? Агар ушбу тизим одамлар учун мақбул экан, демак бундай валюталар шарият нуқтаи назаридан (тўлов воситаси сифатида) қабул қилиниши

мумкин”.

* Токен, криптовалюта бўлмаган ҳисоб бирлиги бўлиб, у рақамли дунёда қимматбаҳо қозғалар ўрнини босувчи восита сифатида қўрилади. Улардан ташқари токенларнинг турли хиллари, масалан, work tokens, utility tokens, asset-backed tokens, revenue tokens, equity tokens, buy-back tokens бўлиши мумкин.

Шунингдек, электрон қалит вазифасини бажарувчи ихчамгина усқуна ҳам токен деб аталади (унинг ёрдамида фойдаланувчининг хавфсизлиги таъминланади).

[Манба](#)